



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари курилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК  
Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи  
Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Фарғона тумани Шифокор МФЙ ҳудудида яшовчи 3618 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида куйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Фарғона тумани Шифокор МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 361 м<sup>3</sup> хисобланиб, Шифокор МФЙ ҳудудида 2 дона тик ичимлик сув кудуғи казилсин, сув сақлаш иншооти (резурвар) куриш лойиҳа ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан тармок тортилиб МФЙ ҳудуди ичимлик суви билан таъминланиб, курилиш монтаж ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини курилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, курилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари курилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур курилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча курилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Фарғона туман бош муҳандиси:

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Фарғона туман ИЧБ муҳандиси:



О.Зияпов

М.Мамиров